

Хоразм вилоятини микрорайонлаштиришнинг табиий ва демографик салоҳияти

УрДУ Рахимов А.К.

Атаева Н.П.

Ҳозирги вақтда ер ресурсларини ҳолати фақат иқтисодга таъсир этмасдан, у экологик шароитга ҳам ўз таъсирини кўрсатмоқда. Ер ресурси табиатнинг асосий бойлиги бўлибгина қолмасдан, у республиканинг ижтимоий-иқтисодий ўсишига ҳам таъсир кўрсатади. Кейинги 35-40 йиллар ичида Ўзбекистонда ердан фойдаланишда катта муваффақиятларга эришилди. Суғориладиган ер майдони 1,5 баробарга кенгайтирилди. Айниқса, 1966-1985 йилларда суғориладиган ерлар 2,8 дан 4,0 млн. гектарга етказилди ёки 43% га ортди.

Янги ерларни очилиши ва ўзлаштирилиши у ерларнинг сифатига ва мелиоратив ҳолатига таъсир кўрсатади. Суғориладиган ерларнинг энг салбий тамони бу- шўрланишдир. Шўрланиш катта маблағ талаб қилиши билан, катта сув миқдори ювиш учун ишлатилади. Жумладан, Хоразм вилояти ҳудудидаги қишлоқ хўжалиги ерларининг аксарият қисми суғориладиган ерлар бўлиб, республиканинг бошқа ҳудудларига нисбатан деҳқончилик ишлари катта меҳнат талаб этади. Айниқса давлат мустақиллиги даврида илгарги бўйлама ва кўндаланг дренаж тизимларини таъмирлаш корхоналарининг қисқариб кетиши, янги мулкчилик шаклларининг пайдо бўлиши шароитида қишлоқ хўжалигига хизмат кўрсатишнинг янги тузилмаларини шакилланиши заруриятларини келтириб чиқармоқда. Бундай ҳолат нафақат ҳоразм воҳасига, балки республиканинг деярли барча ҳудудларига хос.

Тупроқ эрозиясининг олдини олиш ва унга қарши кураш.

- Ташкилий хўжалик тадбирлари. Бунда ҳар бир хўжалик, ўзининг табиий шароитини ҳисобга олиб, хўжаликни ихтисослаштириш.

- Агротехника тадбирлари орқали сув эрозиясига қарши курашиш.

- Ўрмонлар ёки ихота майдонлари мелиорацияси тадбирлари амалга ошириш.

4. Гидро-техника тадбирларини қўллаш.

5. Суғориладиган зоналарида сув эрозиясига қарши курашиш. ботқоқликларни қуришти, қайта шўрланишни олдини олиш лозим.

Тупроқнинг ботқоқланиши дунёнинг сернам минтақаларида бир томондан табиий жараён бўлса, иккинчи томондан инсон хўжалик фаолиятининг салбий оқибати ҳисобланади. Ерларнинг ботқоқланиши айниқса, дарё тўғонлари ва сув омборлари атрофларидаги рельефи текис жойларда ер ости суви сатҳининг кўтарилиши натижасида содир бўлади. Ботқоқланишга қарши кураш ва унинг олдини олиш ўта сернам ҳудудларда махсус мелиорация тадбирларини ўтказиш билан амалга оширилади. Бунда тупроқ тузилиши муҳим ўрин тутди, Евросиёнинг шимолий-ғарбий ва шарқий ҳудудларидаги қурилган ботқоқ тупроқлари озик моддаларга ва потенциал энергия захираларига ниҳоятда бой. Ер ости сувининг яқинлиги ўсимликларни субиригация деб аталувчи қўшимча нам билан таъминлайди, яъни ўсимликлар ер остидан қўшимча нам олади. Қуйи Амударёда ер ости сувларининг юзага яқинлиги, шўрланишнинг ортиб боришига олиб келади. Шу боис, мазкур минтақада ерларни қишлоқ хўжалигига тайёрлашда бўйлама ва кўндаланг дренаж тизимларининг аҳамияти ортади.

Арид ўлкаларда чўлга айланиш жараёни, асосан, шу ўлкаларда аҳоли сонининг ўсиб бориши ва қишлоқ хўжалиги ҳамда саноатда табиий бойликлардан тез суръатлар билан фойдаланиш натижасида чўл ландшафтларига инсон хўжалик фаолияти таъсирининг ортиб бориши билан боғлиқдир. Ўсимликларнинг ёқилғи ва ем-хашак мақсадида ишлатилиши, яйловларда меъёридан ортиқча мол боқилиши, йўллар, қувурлар, йирик ирригация каналлари, саноат корхоналари, аҳоли пунктлари каби қурилишлар деградация жараёнларининг ривожланишига, қум кўчишига, сув балансининг бузилиши эса тупроқни шўр босишига ва ташқи муҳитнинг

ифлосланишига, арид ўлкалар шароитида табиатда динамик мувозанатнинг бузилишига, яъни чўлга айланиш жараёнининг кучайишига олиб боради.

1995 йил сентябр ойида Нукус шаҳрида Бирлашган Миллатлар Ташкилоти ҳомийлигида бўлиб ўтган "Орол бўйи мамлакатларининг барқарор тараққиёти" мавзусидаги халқаро конференция ҳам айнан юқорида биз эсга олган муаммоларга бағишланган эди десак, хато бўлмайди. Бу анжуманда Марказий Осиёдаги беш давлат президентлари ҳукуматлар раҳбарлари билан бирга ўнлаб халқаро ташкилотлар ва 35 давлатнинг вакиллари иштирок этиб, ўлкада юзага келган хавфли экологик ҳалокатни бартараф этиш масалаларини ўрганиб чиқдилар.

Орол денгизи фалокати билан боғлиқ бўлган ўнлаб ёки юзлаб йиғинлар, мажлислар ва симпозиумлардан фарқли ўларок, бу анжуманда биринчи мартаба тарихий Нукус декларациясига имзо чекилди ва ундан келгусида олиб бориладиган сиёсий ва амалий ишлар бўйича аниқ мажбуриятлар олинди, бошланғич маблағлар кўрсатилди.

Қувонарлиси шундаки, декларация Марказий Осиё халқларини бир-бутун тарзда, жаҳон цивилизациясида тутган ўрни ва ўзларининг ақл заковатлари, меҳнатсеварликлари билан такрорланмас гўзалликлар, чўллар бағрида боғу-бўстонлар, барпо эта олганликлари фан ва техника, адабиёт, архитектура ва санъат борасида, математика, астрономия, табобат ва деҳқончилик соҳаларда жаҳонда энг пешқадам мактаблар ярата олганликларини дунёга намоиш қилди. Шу билан бир қаторда, бугунги кунда ана шундай ўлкада рўй берган ва ёш мустақил давлатлар тараққиётига катта хавф солиб турган Орол фалокатининг келиб чиқиш сабаблари илмий асосда очиб берилди ва бутун жаҳонга маълум қилинди.

Вилоят табиий шароитдаги ўзгаришлар албатта, ҳудуд қишлоқ хўжалигининг риважланишига ўзининг салбий таъсирини кўрсатиши табиий ҳолдир. Хоразм ҳудудининг асосий қисмини суғориладиган деҳқончилик

зонаси ташкил этгани ҳолда, бу ҳудудлар асосан дон маҳсулотлари, пахта хом ашёси, полиз маҳсулотлари, узум ва мева етиштиришга, чорвачиликда, сут-гўшт чорвачилигига ихтисослашган. Вилоятнинг Қорақум чўли билан туташ чегара ҳудудлари ва вилоят жанубида Амударёнинг ўнг қирғоғидаги ҳудудлари яйлов зонаси ҳисобланиб, унда чўл-яйлов чорвачилиги, жумладан; кўйчилик, қоракўлчилик ривожланган.

Вилоятдаги об-ҳавонинг мўътадиллиги, жаҳон дурдоналаридан бири бўлган Хивада туризмни ривожлантириш, асрлар давомида ривожланиб келган Хоразм илм-маданияти билан жаҳон сайёҳларини таништириш имкониятининг мавжудлиги ва шу асосида туризм тизимини ривожлантириш унинг энг муҳим салоҳияти қирраларидан биридир.

Табиий ҳаракат кўрсаткичлари ҳал қилувчи аҳамият касб этмоқда. Лекин, табиий ҳаракат жараёнларида туғилиш маълум даврдаги аҳоли сонига дарҳол таъсир кўрсатса, меҳнатга лаёқатли ёшдаги аҳоли сонига бир хил шароитда фақат 16 ёшдан кейин таъсир қилади.

Бу йўналишда проф.О.Б.Ота-Мирзаевнинг куйидаги фикрларини таъкидламасликнинг иложи йўқ: “Социал демографик стереотип келажакка қадар, ҳеч бўлмаганда жорий юз йиллик охирига қадар сақланиб қолади”.¹

”Хоразмда меҳнатга лаёқатли ёшдаги аҳолининг сони жами аҳоли сонига нисбатан юқорида қайд этиб ўтилган қонуниятлар ва ўзгаришлар таъсирида 1,5 мартадан зиёд бўлган суръатларда ўсмоқда. Чунончи, мамлакатда 1991-2000 йилларда жами аҳоли сони йилига ўртача 1,9% ўсган бўлса, ушбу кўрсаткич меҳнатга лаёқатли аҳоли бўйича 2,5 %, 2000-2004 йилларда эса тегишли равишда 1,2 ва 3,2 % ташкил этди. Бунинг натижасида меҳнатга лаёқатли ёшдаги аҳолининг жами аҳоли сонигаги улуши муттасил кўпайиб бормоқда. Вилоятда 1991 йилда 1060 минг кишига тенг жами аҳолининг 512 минг киши ёки 48,9% тенг қисми меҳнатга лаёқатли ёшга эга бўлган бўлса, ушбу кўрсаткич 2003 йилда 55,0% ташкил этди. Шунингдек,

¹ Ата-Мирзаев А.Б., Гольдфарб Б. Перспективы воспроизводства населения Средней Азии. В: «Наше будущее глазами демографа». – М., 1979. - 113 б.

Хоразмда жами аҳоли сонига нисбатан иқтисодиётда банд аҳоли сони ва салмоғи кўпайиши давом этмоқда. Иқтисодиётда банд аҳолининг жами аҳоли сонигаги улуши 1991 йилда 33,2% дан, 2000 йилда 36,0%га, 2003 йилда эса 37,5% га етди. Шунга қарамасдан, ушбу кўрсаткич ривожланган мамлакатларга хос кўрсаткичдан анча паст эканлигини эътироф этиш лозим.

Шунинг учун ҳам мазкур ҳолат юзасидан проф.А.А.Қаюмовнинг куйидаги фикрларини ҳисобга олиш айтиш ўринлидир: "...аҳоли табиий ҳаракати ҳодисаларининг жорий ҳисоби – асосан туғилиш, ўлим, никоҳ, ажралиш ҳодисаларининг қайд этилишидир".²

Хоразм вилояти аҳолиси 2007 йилда 1456,2 минг кишини ташкил этгани ҳолда, шундан қишлоқ аҳолиси 1131,5 минг киши ва шаҳар аҳолиси 324,7 минг киши. Вилоятда аҳоли сонининг юқориликка кўра, Урганч (276,7 минг киши), Ҳозарасп (198,4 минг киши), Хонқа (142,6 минг киши) туманлари етакчилик қилади. Шунингдек, белгиланган микрорайонлар кесимида таҳлил этилганда аҳоли сонининг юқориликка кўра, марказий, шимолий-ғарбий ва жанубий районлар устунлик қилади. (2-жадвал)

Вилоят аҳолисининг 66 фоизи қишлоқларда ва 34 фоизи шаҳарларда яшайди. шаҳар аҳолиси салмоғининг юқориликка кўра, Урганч (53,1 %), Гурлан (43,0 фоиз), Хонқа (36,2 фоиз), Хива (28,4 фоиз), туманлари вилоятнинг бошқа ҳудудларидан фарқ қилади. Шаҳар аҳолиси салмоғини микрорайонлар кесимида таҳлил этганда ҳам шунга монанд равишда марказий ва жанубий-ғарбий районлар устунлик қилади. Марказий район қишлоқ аҳолиси сонининг юқориликка кўра ҳам вилоятда биринчи ўринда туради. Бунинг сабаби шундаки, кейинги йилларда аҳоли манзилгоҳлари кишиларнинг яшаши учун қулай, бозорлар, хизмат кўрсатиш, транспорт тизимлари ривожланган ҳудудларда шаклланимоқда.

Вилоят иқтисодиётида аҳоли, унинг жойлашуви, меҳнатга лаёқати муҳим ўрин тутади. Айтишга, хўжалик тармоқлари, моддий ва номоддий

² Қаюмов А.А., Якубов Ў.Ш., Абдуллаев А.Г. Аҳоли географияси ва демография асослари: олий ўқув юртлири талабалари учун ўқув қўлланма. – Т.: "Fan va texnologiya", 2011, 17-б.

ишлаб чиқариш, яъни саноат, қишлоқ хўжалиги ва хизмат кўрсатиш соҳаларида ҳамда уй ва шахсий томорқа хўжалигида меҳнатга лаёқатли аҳоли, даставвал, туб аҳоли бандлиги муҳим аҳамиятга эга.